Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 14 (465) 2021 йил 23 февраль, сешанба

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR · t.me/uzbunyodkor · uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## Шу куннинг гаплари

Жаҳон банки Сурхондарё вилоятининг 7 та ҳудудини ривожлантириш лойиҳасини қўллаб-қувватлади. Уларни амалга ошириш учун Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки **100 млн доллардан 140 млн долларгача** имтиёзли кредит тақдим этади.

Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида темир-бетон таянчлари ишлаб чиқиш корхонаси иш бошлади. Бу жойда йилига **22 мингдан** зиёд ана шундай маҳсулот тайёрланади. Келгусида трансформатор, фундамент блок кабиларни тайёрлаш бўйича ҳам ҳаракат қилиняпти.

Пойтахт вилоятидаги Оҳангарон шаҳрида жойлашган Нўғайқўрғон маҳалласида Ёшлар технопарки ишга туширилди. Айни пайтда бу ерда **80 нафар** ёшлар дастурлаш, компьютер ва веб-дизайнерлик йўналишлари бўйича таълим олишяпти.

Жорий йилнинг январь ойида Қорақалпоғистон Республикасида **46 та** турли хилдаги саноат корхоналари ишга туширилди. Республикамиз бўйича эса бу кўрсаткич 1 438 та бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўпдир.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 февраль куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясининг юқори даражадаги сегменти ишида нутқ сўзлади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш фаолияти бутун дунё бўйлаб инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган БМТ тизимидаги энг нуфузли ҳукуматлараро органлардан бири ҳисобланади.

Кенгашга 47 давлат аъзо. Ўтган йил октябрь ойида мамлакатимиз 2021-2023 йиллар даврига ушбу тузилма аъзоси этиб илк бор сайланди. Коронавирус пандемияси муносабати билан кенгашнинг навбатдаги йиғилиши Женева шаҳрида видеоанжуман шаклида ўтказилди.

Йиғилиш кун тартибидан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва уларни ҳимоя қилиш, жумладан, фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни таъминлаш билан боғлиқ энг долзарб масалалар ўрин олди.

Тадбирни БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар Мишель Бачелет кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг йиғилиш раиси Нажот Шамим Хон қарийб 150 мамлакатдан давлат ва ҳукумат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари, юқори даражадаги вакиллар қатнашган анжуман иштирокчилари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга сўз берди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистоннинг демократик янгиланишлар жараёнини янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари, мамлакатимиз томонидан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши билан ҳамкорликда бажарилиши режалаштирилган бир қатор долзарб масалаларга асосий эътиборни қаратди. Жумладан, Ўзбекистонда мажбурий меҳнат, айниқса, болалар меҳнати билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида амалга оширилган, халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилган ишларга алоҳида тўхталди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда айни йўналишдаги ислоҳотлар Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва рағбатлантириш сиёсатига қатъий содиқлигини исботлайди. Президентимиз нутқи Ўзбекистон ўзи танлаган ташқи сиёсат асосида бундан кейин ҳам инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича барча манфаатдор халқаро тузилмалар билан изчил ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканини яққол кўрсатди.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясидаги иштироки янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлашга асосий урғу берилаётганининг яққол исботи сифатида намоён бўлди. Шунингдек, Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси туфайли мамлакатимиздаги демократик янгиланишлар умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва меъёрларига тўла мос тарзда, халқаро ҳамжамият билан очиқ ва узвий ҳамкорликда амалга оширилаётганидан далолатдир.

**ЎзА.**

# НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲАМДА ГИДРОЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 22 февраль куни Навоий вилоятида ҳамда гидроэнергетика тармоғида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Навоий вилояти – саноатлашган ҳудуд. Тоғ-кон, кимё, қурилиш материаллари ва тўқимачилик тармоқлари вилоят иқтисодиётининг "драйвер"лари ҳисобланади. Бу ерда йилига 65 триллион сўмликдан зиёд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Жорий йилда Навоий вилоятида 576 та лойиҳа амалга оширилиши мўлжалланган. Уларнинг умумий қиймати 18 триллион 600 миллиард сўм. Соҳалар кесимида айтганда, лойиҳаларнинг 200 таси саноат, 179 таси хизмат кўрсатиш, 197 таси қишлоқ хўжалиги тармоқларида. Буларнинг натижасида қарийб 18 триллион сўмлик ишлаб чиқариш қуввати ташкил этилиб, 16 мингта иш ўрин яратилади. 123 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрланиб, 125 миллион долларлик экспорт таъминланиши кўзда тутилган.

Хусусан, қурилиш материаллари тармоғида акрил тош, базальт панеллар, ёғоч толали плиталар, пол ва девор учун қопламалар, шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Мисол учун, Зарафшон шаҳрида ойна корхонасини шу йил декабрда ишга тушириш режалаштирилган. Унда 350 киши меҳнат қилади.

Кимё саноатида 20 та лойиҳа шакллантирилган бўлиб, жорий йилда 9 таси фойдаланишга топширилади. Натижада талаб юқори янги маҳсулотлар ўзлаштирилиб, 430 дан зиёд кишининг бандлиги таъминланади.

Тўқимачилик тармоғидаги лойиҳалар ҳам истиқболли. Хусусан, жорий йилда барча шаҳар ва туманларда 28 та корхона ташкил этилиб, 5 минг 800 га яқин иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни сифатли, илмий ёндашган ҳолда амалга ошириш, замонавий технологияларни жалб этиб, қўшимча қиймат яратиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариб, экспортга йўналтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 2 майдаги қарори билан 2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури маъқулланган эди. Бу дастурга жами 3 миллиард 400 миллион долларлик 65 лойиҳа киритилган бўлиб, шундан 34 таси янги қувватлар ташкил этиш, 31 таси мавжудларини модернизация қилишга қаратилган. Бугунги кунда 1 минг 100 мегаваттлик 12 та лойиҳа ишга туширилган. 950 мегаваттлик яна 20 та лойиҳа якуний босқичда амалга оширилмоқда.

Жорий йилда умумий қиймати 1 миллиард 420 миллион доллар бўлган 16 та лойиҳа режалаштирилган. Хусусан, 11 та янги гидроэлектр станцияси қурилиб, 587 мегаватт электр қуввати яратилади. Қолган 5 та лойиҳага кўра, мавжуд станциялар модернизация қилиниб, ишлаб чиқариш имконияти кенгайтирилади.

Тақдимотда соҳани трансформация қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Президент лойиҳаларни яна бир бор қайта кўриб чиқиб, сифат жиҳатидан такомиллаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

**ЎзА.**

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БМТ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШИНИНГ 46-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

**Ҳурматли раис**
**Нажот Шамим Хон хонимлари!**
**Ҳурматли Олий комиссар**
**Мишель Бачелет хонимлари!**

**Хонимлар ва жаноблар!**

Бугун Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида ушбу учрашувда биринчи марта иштирок этмоқда.

Биз сўнгги йиллар давомида Кенгашга аъзо бўлиш учун бутун масъулиятни англаган ҳолда интилиб келганимизни таъкидламоқчиман.

Демократик ислоҳотларимиз янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган бўлиб, бу ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олди.

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг **"Инсон ҳуқуқлари йўлида ҳаракатга даъват"** ташаббусини илгари суриш учун Кенгаш аъзолари, барча шерикларимиз билан яқин ҳамкорликни давом эттирамиз.

**Ҳурматли анжуман иштирокчилари!**

Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва Кенгаш доирасидаги фаолиятимизнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат.

**Биринчидан, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислоҳотларда энг муҳим ўринда туради.**

2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган "ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик" тамойили асосида амалга оширилади.

Бу ўринда сўз Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси экспертларининг фаол иштирокида ишлаб чиқилган Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни амалга ошириш тўғрисида бормоқда.

**Иккинчидан, биз гендер сиёсати масалалари борасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттирамиз.**

Жорий йилда Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес-форумини ўтказишни режалаштирмоқдамиз.

**Учинчидан, алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилади.**

Яқинда Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги янги қонун кучга кирди. Ўзбекистон Парламенти Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиши кутилмоқда.

Биз имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузишни таклиф этамиз.

**Тўртинчидан, аҳолимизнинг ярмидан кўпини ташкил этадиган ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.**

Жорий йил Ўзбекистонда Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили, деб эълон қилинди.

Бу борада биз:

– Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш;

– БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш;

шунингдек, Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини таъсис этиш масаласини киритишга тайёргарлик кўрмоқдамиз.

» 2-бет

Президент ташрифидан сўнг

# Юксак марралар сари

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Давлатимиз раҳбари ҳудудлар ривожи, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Наманган вилоятида икки кун бўлиб, иқтисодиётнинг турли жабҳаларида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишди.**

### ТАШРИФДАН ТАШРИФГАЧА

Аввало, юртбошимизнинг ўтган йили июндаги ташрифидан сўнг вилоятда қандай ўзгаришлар юз берганига назар солиш ўринлидир. Бу ҳақда вилоят қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Дилшод Ниязов шундай дейди:

– Атрофдаги ўзгаришларни синчиклаб кузатиб бораман. Бинокор сифатида бунёдкорлик ишларининг кўлами, самарадорлиги ва аҳамиятини ўрганаман. Ўтган салкам саккиз ойда амалга оширилган эзгу ишлар минтақани янада тараққий эттиришга хизмат қилади.

Мисол учун, Наманган шаҳри таркибида ташкил этилган Давлатобод тумани аҳолиси тинмай ўсиб бораётган ҳудудни бошқаришни такомиллаштириш йўлидаги қадамдир. Ёки Наманган-Андижон автомобиль йўлидаги Норин дарёси устига қурилган янги кўприкни олайлик. 8,3 миллиард сўм маблағ эвазига битказилган ушбу иншоот минглаб одамларнинг узоғини яқин қилмоқда. Вилоят марказидаги оқава сув тармоқларини қайта қуриш юзасидан лойиҳалаш ишлари бошланди. Собиқ эндокринология диспансери биносида 5 миллиард сўм эвазига янги болалар шифохонаси барпо этишга киришилди.

Ўтган йил вилоятда темир йўл транспортини ривожлантиришда ҳам муҳим босқич бўлди. Биринчи навбатда водий "халқа"си тўла электрлаштирилди. Яқинда эса Наманган, Чуст, Чортоқ, Учқўрғон ва Ҳаққулобод бекатлари орқали пойтахтга йўловчи поездлар қатнай бошлади. Водий шаҳарлари бўйлаб электричкалар ҳар куни юриб турибди.

Қурилиш соҳаси ходимлари ҳам белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажаришяпти. Уларнинг самарали меҳнатлари эвазига шаҳар ва қишлоқларда 40 та кўп қаватли арзонлаштирилган турар жой бинолари бунёд этилди.

» 2-бет



# Фарғонада маҳаллабай давлат хизматлари кўрсатилмоқда

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарғона вилоятига ташрифи чоғида аҳолининг муаммоларини ўрганишда маҳаллабай тизимини жорий этиш ва шу асосда фуқаролар билан доимий муносабатни давом эттириш кераклиги таъкидланган эди.**

Давлат хизматлари агентлиги Фарғона вилояти бошқармасининг 19 туман ва шаҳарлардаги Давлат хизматлари марказлари ва ФҲДЁ бўлимлари маҳаллабай тарзда фуқароларга давлат хизматларини кўрсатишни ташкил қилмоқда. Ушбу ташаббус Қўқон шаҳри ва Учкўприк туманларидан бошланиб, вилоят марказидан олис ҳудуд – Ўзбекистон туманида ҳам давом эттирилмоқда.

Тумандаги 74 маҳалла фуқаролари йиғинларида мобиль хизматлар кўрсатиш ва аҳолининг онлайн хизматларга бўлган ҳуқуқий кўникмаларини ошириш мақсадида махсус автобус ва масофадан хизмат кўрсатишга мўлжалланган "Damas" автомашиналари манзилли сафарбар этилди.

Маҳаллабай тарзда давлат хизматларини кўрсатишда иш услуби "Шаффоф ва сифатли!" шиори остида амалга оширилди. Ҳудудлардаги Давлат хизматлари марказларининг 25 нафар ходими Ўзбекистон туманидаги "Нурсух", "Қайнар", "Каттатагоб", "Якка тут" каби 36 та маҳаллада 30 дан ортиқ масалалар бўйича давлат хизматларини кўрсатди. Шунингдек, 40 дан зиёд фуқарога илк тадбиркорлик фаолиятини бошлашда ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Нурсухлик Алишер ота Ваҳобов 25 йил давомида маориф соҳасида ишлаган. Мана 10 йилдирки нафақа гаштини сурмоқда. Маҳалла ишлари ва оила юмушлари билан бўлиб, ота пенсия ҳақидаги зарур маълумотномани олиш учун тумандаги Давлат хизматлари марказига боришга вақт топа олмади. Кўрсатилаётган сайёр хизматлар давомида Алишер отанинг иши маҳалланинг ўзида осон битди.

– Нафақада бўлсам ҳам хонадоннинг ширин ташвишларидан ортмаяпман, - дейди Алишер ота Ваҳобов. – Набирам тикувчиликка қизиқади. Ўригидан мағзи ширин бўларкан. Истеъмол кредити ҳисобидан унга тикув машинаси олиб бермоқчиман. Давлат хизматлари маркази ходимлари маҳалламизга келганидан фойдаланиб, кредитни расмийлаштириш учун нафақам ҳақидаги маълумотномани шу ернинг ўзидан олдим.

» 4-бет

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№14 (465) 2021 йил 23 февраль

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БМТ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШИНИНГ 46-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

1-бет

**Бешинчидан**, биз Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда **мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича катта ишларни амалга оширдик.** Бу ислоҳотларимиздаги энг асосий ютуқларимиздан бири бўлди.

2021 йилда, яъни Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йилида Болалар Омбудсмани тўғрисидаги қонунни қабул қиламиз.

**Олтинчидан, "Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим" декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб биз Олий комиссар бошқармаси билан биргаликда глобал форум ўтказишни таклиф этамиз.**

Ўқитиш тизимини ривожлантириш мақсадида БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ихтиёрий бадаллар жамғармасига ўз ҳиссамизни қўшмоқчимиз.

**Еттинчидан,** Бош котиб Антониу Гутерриш Жаноби Олийларининг **фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича қатъий чоралар кўриш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаймиз.**

Биргина ўтган йилнинг ўзида 50 минг нафар ватандошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди, бу йил яна 20 мингдан зиёд киши фуқароликка эга бўлади.

**Хонимлар ва жаноблар!**

Биз эришган натижаларимиз билан кифояланиб қолмасдан, бундан буён ҳам **фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, Ўзбекистонда сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни қатъий мақсад қилганмиз.**

Шу аснода нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари тўғрисида кодекслар ишлаб чиқилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дин ёки эътиқод эркинлиги, судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиларининг тавсияларини алоҳида эътиборга олганмиз.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этамиз.

**Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни жорий этиш** доирасида биз одамнинг қадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган **қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо йўл қўймаймиз.** Бундай жиноятлар қачон содир этилганидан қатъи назар, улар учун жазо муқаррардир.

Қийноқларга қарши конвенциянинг Факультатив протоколини ратификация қиламиз.

Мазкур масалалар юзасидан ҳамкорликда ишлаш мақсадида Қийноқлар масаласи бўйича махсус маърузачини Ўзбекистонга таклиф этишга тайёргарлик кўряпмиз.

**Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!**

**Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига қатъий содиқ қолади.**

Шу билан бирга, биз инсон ҳуқуқлари борасида ҳали улкан йўлнинг бошида турганимизни яхши тушунамиз ва халқаро ҳамкорларимизнинг қўллаб-қувватлашига умид қиламиз. Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар Мишель Бачелет хонимларининг юртимизга ташрифини кутиб қоламиз.

Бу борада мандатга эга бўлган барча вакилларнинг Ўзбекистонга ташриф буюришлари учун доимий таклифнома юбориш ҳақида қарорни қабул қиламиз.

Шунингдек, Осиё қитъасининг инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий механизмини мунтазам фаолият кўрсатадиган платформа – Самарқанд форуми негизида яратиш борасида кўмак беришга тайёрмиз.

**Ҳурматли дўстлар!**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 75 йиллик тарихи инсон ҳуқуқлари универсал қадрият эканини яққол исботлади. Бу устувор тамойилсиз ер юзида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди.

Нутқимнинг якунида шуни яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: **Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умумэътироф этилган принцип ва нормаларини қатъий ҳимоя қилади ва фаол илгари суради.**

Эътиборингиз учун раҳмат.

# Юксак марралар сари

1-бет

### УЛКАН ВАЗИФАЛАР МАСЪУЛИЯТИ

19 февралда ўтказилган Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси Президентимизнинг ташриф доирасидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди ва вилоят ҳокими вазифасини бажариб келган Шавкатжон Абдуразаков ҳоким вазифасига тасдиқланди. Сессия жараёнида ҳам туб ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар атрофлича таҳлил қилинди. Айни пайтда иқтисодиётни ривожлантиришнинг қатор имкониятларидан фойдаланилмаётгани ҳам очиқ-ойдин айтилди. Бунга сессиядаги ҳисоботидан сўнг Уйчи тумани ҳокими бошчилигидаги сектор раҳбарлари ишдан олинганини мисол қилиш мумкин. Мазкур ҳудудда "маҳаллабай" ишлашда хато ва камчиликларга йўл қўйилгани шундай ҳолатга сабаб бўлди.

Шу билан бирга сессияда фаоллар томонидан инвестиция лойиҳалари, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш юзасидан билдирилган қатор таклифлар давлат раҳбари томонидан қўллаб-қувватланди. Хусусан, вилоятда республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг филиаллари ташкил этилади. Наманган давлат университетида нефть ва газ конларида ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш йўлга қўйилади. Чуст тумани марказига шаҳар мақомини бериш масаласи ҳам ўрганиб чиқилади. Яна бир эътиборли жиҳат – 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг умумий қиймати 23,7 триллион сўмга тенг бўлади. Шу туфайли 66 мингтадан зиёд янги иш ўринлари яратилади. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, кейинги ўттиз йилда бунча кўп маблағ Наманганга келмаган. Агар у тўғри ва самарали ишлатилса, иқтисодиёт янада ривожланади, туманларга саноат кириб боради.

### МУЛОҚОТЛАРДА АНИҚЛАНГАН НУҚСОНЛАР

Мана, тўрт йилдан ошдики, халқ билан мулоқот фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, кўпчиликни қийнаётган нуқсонларни аниқлаш ва бартараф этишнинг ишончли усулига айланди. Наманган шаҳрининг Бунёдкор маҳалласида юз берган ҳолатни худди шу фикрдан келиб чиқиб изоҳлаш мумкин.

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидан сўнг давлат раҳбари тўғри Бунёдкор маҳалласига йўл олди. Буни ҳеч ким кутмаганди. Маҳалла "Бунёдкор" деб аталса-да, бу ердаги ҳолат унга тамоман зид. Аҳоли вакиллари билан мулоқотда ичимлик сув йўқлиги, йўллар хароб, ободончиликка эътибор берилмагани аён бўлди. Давлат раҳбари тегишли раҳбарларга маҳаллада янги муҳандислик тармоқларини тортиш, яшаш шароитларини яхшилаш, янги иш жойлари ташкил этиш юзасидан топшириқлар берди. Шундан сўнг Президентимиз 26-"Меҳрибонлик уйи" ва "Саховат" уйида ҳам бўлди. Мутасаддилар ушбу муассасаларда ҳам шарт-шароитларни яхшилаш юзасидан кўрсатмалар олди.

Юқорида тилга олинган жойларда ҳолатни ўнглаш бўйича саъй-ҳаракатлар зудлик билан бошланди. Президент ташрифи якунланишининг эртасигаёқ вилоят ҳокими "Бунёдкор"ликлар билан учрашувда шу маҳаллага кўчиб келиб яшашини билдирди. Маҳаллада ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

"Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари ҳаётида ҳам ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Бу ердаги ўғил-қизларга Президент совғалари – ноутбук, планшет, телефон, мусиқий чолғу асбоблари топширилди. Давлат раҳбари топшириғига биноан тез орада 44 нафар йигит-қизга янги уйлардаги хонадонларнинг калитлари топширилади. Муассаса биноси мукаммал таъмирдан чиқарилади ва тўла жиҳозлаб берилади. Тарбияланувчилар ёзги таътилда ҳордиқ чиқарадиган Чуст туманидаги "Меҳржон" дам олиш маскани эса мавсум бошлангунга қадар қайта қуриб берилади.

Қарияларнинг "Саховат" уйи ҳам тўрт ойдан кейин янги бинога кўчиб ўтади. Ҳозир қурилиш майдончаси учун жой танланмоқда. Тез орада бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилади.

# Қурилишда қонунчиликни таъминлаш – устувор вазифа

**Бугунги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида турли хил бино-иншоотлар қад кўтармоқда. Бинобарин, уларни бунёд этишда барча бирдек шаҳарсозлик меъёрларига, қурилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этяптими?**

Қурилиш соҳасида олиб борилаётган қурилиш-монтаж ишларининг назоратини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 февралда «Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги ПҚ-4586-сонли қарорида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекциясига бир қатор вазифалар юклатилганди. Президент қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги "Объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламент ҳамда объектларнинг хавф-хатарлар тоифалари таснифини тасдиқлаш тўғрисида"ги ва 2020 йил 20 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди.

Қайд этилган ҳужжжатларда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида хусусий инвесторлар ҳисобидан қурилаётган бир қанча кўп қаватли турар жой биноларининг ҳолати Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан ўрганилмоқда. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида олиб борилган ана шундай ўрганишлар давомида турар жой бинолари тасдиқланмаган ҳамда экспертиза органларининг ижобий хулосаси олинмаган лойиҳа ҳужжатларисиз, қурилиш-монтаж ишларини бошлаш юзасидан ваколатли органни хабардор қилмасдан қурилиш ишлари амалга оширилаётганига жуда кўплаб вазиятларда дуч келинади. Бундай камчиликлар билан иш юритилаётган қурилиш объектларидаги қурилиш ноқонуний ҳисобланиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда.

Ўрганишлар давомида, жумладан, "HUMO SARBON" МЧЖ томонидан Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги Беруний кўчаси 8-уй манзилида кўп қаватли меҳмонхона биносининг қурилиш ишларини Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясини хабардор қилиш тартиби орқали рўйхатдан ўтказмасдан бошлаб юборилган. Текширув жа-



раёнида маълум бўлган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича 2020 йил 15 декабрда 2584-сонли бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатма берилган. Ушбу ёзма кўрсатма талаблари белгиланган муддатида бажарилмагани сабабли "HUMO SARBON" МЧЖ раҳбари ўринбосари Каримов Ҳусан Ғофуржановичга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўриш юзасидан 2021 йил 21 январда Тошкент шаҳар Олмазор тумани маъмурий судига чора кўриш бўйича йиғма иш жилди юборилган ва Ўзбекистон Республикаси МЖкТнинг 99-моддаси 7-қисми билан жавобгарликка тортилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 20-моддасига мувофиқ юқорида кўрсатилган ноқонуний равишда қурилаётган қурилмаларни бартараф этиш, аҳоли хавфсизлигини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 41-сонли қарор ижросини таъминлаш мақсадида Аҳоли пунктлари комплекс қурилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар Олмазор тумани ҳудудий ишчи гуруҳи комиссияси раисига 2021 йил 25 январда 292-сонли хат орқали юқорида кўрсатилган ҳуқуқбузарларга нисбатан чора кўриш масаласини атрофлича кўриб чиқиб, ўрнатилган тартибда тегишли чора кўриш ва қилинган ишлар натижаси бўйича маълумот бериш сўралган. Шунга қарамасдан, бугунги кунда қурилиш-монтаж ишлари тўхтатилмаган ҳамда инспекциядан рўйхатдан ўтилмаган.

Яна бир мисол, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани, Ж. Шоший 2-тор кўчаси, 4-уй ва Аския кўчаси 36, 36/1-уйлар ёнида "INSOFT INVEST" МЧЖ томонидан кам қаватли биноларнинг бузилиши ҳисобига пастки қаватла-



рида савдо ва маиший дўконлари жойлашган кўп қаватли турар жой биноларининг қурилиш ишлари бошлаб юборилгани аниқланган. Мазкур қурилиш объекти ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 18 майдаги 370-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясини хабардор қилиш тартиби орқали рўйхатдан ўтмаган. 2020 йил 7 майда молиялаштириш манбаларидан қатъи назар қурилиш объектларига, субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда, ҳеч қандай тўсиқсиз кириш ҳамда рухсат ҳужжатлари мавжудлиги ва шаҳарсозлик меъёрлари ҳамда қоидаларига риоя қилиниши юзасидан қисқа муддатли текшириш олиб борилиб, текширув жараёнида аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича 2020 йил 27 майдаги 730-сонли бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар берилган ва улар белгиланган муддатида бажарилмагани сабабли "INSOFT INVEST" МЧЖ раҳбари Қурбонов Махсуд Зиятовичга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўриш юзасидан 2020 йил 5 июнда Тошкент шаҳар Яккасарой тумани маъмурий судига ҳужжатлар тўплами тақдим қилинган ва Ўзбекистон Республикаси МЖкТнинг 99-моддаси 7-қисми билан жавобгарликка тортилган. Юқорида кўрсатилган талабларни бажармаганлиги учун қурилишни тўхтатишга такроран берилган ва 2020 йил 21 октябрдаги 2127-сонли ёзма кўрсатма талаблари белгиланган муддатларда бажарилмагани учун "INSOFT INVEST" МЧЖ масъул мансабдор шахсига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар кўрилган, яна такроран Яккасарой туман маъмурий суди раиси номига 2020 йил 23 октябрда 2549-сонли хат билан юборилган. Шунга қарамасдан, бугунги кунда қурилиш-монтаж ишлари тўхтатилмаган ҳамда қонунчиликда ўрнатилган тартибда инспекциядан рўйхатдан ўтказилмаган.

Бу каби қонунбузилишлари "SHAYX AJ INVEST" МЧЖ (раҳбари Сайфуллаев Комилжон Қобилжон ўғли) томонидан Тошкент шаҳар Олмазор тумани, Сағбон 30-берк кўча-



си манзилида, "ZARAFSHON BUILDING" МЧЖ (раҳбари Суннатов Меҳриддин Ҳамробоевич) томонидан Яккасарой тумани, Бобур кўчаси 42-уй манзилида, "UCHTEPA QALQON" МЧЖ томонидан Тошкент шаҳар Сергели тумани, Сергели-5 мавзеси, М. Турсунзода кўчаси бўйида олиб борилаётган қурилиш ишларида аниқланган.



Қўлланилган барча чора-тадбирларга қарамасдан, қайд этилган объектлардаги қурилиш-монтаж ишлари ҳанузгача давом эттирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, "UCHTEPA QALQON" МЧЖ раҳбарлари юзасидан 2020 йил бошида Ички ишлар вазирлиги Тергов департаменти томонидан жиноий иш қўзғатилган пайтда ҳам бино қурилишини тўхтатиш имкони бўлмаган. Мазкур корхона томонидан сифатсиз қурилиш-монтаж ишлари ҳозирга қадар бартараф этилмаган, иморатнинг қурилиши тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига мос келмайди.

Бошқа ҳудудларда ҳам бундай ҳолатлар кўплаб учрамоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги 343-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудга бириктирилган инспектор томонидан Тошкент вилояти



Бўстонлиқ тумани, "Дўстлик" МФЙ ҳудудида амалга оширилаётган мониторинглар жараёнида "ENERGO TEHNIKA GRANT" МЧЖ томонидан тегишли шаҳарсозлик ҳужжатларини расмийлаштирмасдан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 ноябрдаги 961-сонли қарорлари талабини бузиб, ҳудудий инспекцияни хабардор қилмасдан, 3 та 4 қаватли турар жой биноларида ўзбошимчалик билан қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётгани аниқланган. Мазкур корхона фаолиятида қисқа муддатли текшириш ўтказиш тўғрисида Тошкент вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциянинг 2020 йил 23 декабрдаги 279-сонли буйруғи асосида 1 кунлик текшириш ўтказилган.

Қисқа муддатли текшириш натижасига кўра, ишга оид бўлган барча ҳужжатлар ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ва ҳуқуқбузарликка йўл қўйган масъул шахсга нисбатан маъмурий баённома тузилиб, ҳуқуқбузардан тушунтириш хати ва тилхат олиниб, қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўриш юзасидан Жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ тумани судига ҳужжатлар тўплами тақдим қилинган ва Ўзбекистон Республикаси МЖкТнинг 99-моддаси 7-қисми билан жавобгарликка тортилган.

Тегишли чора кўрилганидан кейин ҳам "ENERGO TEHNIKA GRANT" МЧЖ томонидан қурилиш-монтаж ишлари тўхтатилмаган ҳамда белгиланган тартибда инспекциядан рўйхатдан ўтиш учун тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилмаган.

Ҳудудга бириктирилган инспектор томонидан Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, "Ойдинобод" МФЙ ҳудудида амалга оширилган мониторинглар жараёнида "RUS BEK" МЧЖ томонидан тегишли шаҳарсозлик ҳужжатларини расмийлаштирмасдан, ҳудудий инспекцияни хабардор қилмасдан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш комплексида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётгани аниқланган, рухсат ҳужжатлари мавжудлиги ва шаҳарсозлик меъёрлари ҳамда қоидаларига риоя қилиниши юзасидан қисқа муддатли текшириш олиб борилиб, аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича "RUS BEK" МЧЖ фаолиятида қисқа муддатли текшириш ўтказиш тўғрисида Инспекциянинг 2020 йил 23 декабрдаги 278-сонли буйруғи асосида 1 кунлик текшириш ўтказилган. Унга кўра ҳуқуқбузарликка йўл қўйган масъул шахсга нисбатан маъмурий баённома тузилиб, ҳуқуқбузардан тушунтириш хати ва тил-



хат олиниб, қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўриш юзасидан Жиноят ишлари бўйича Чиноз тумани судига ҳужжатлар тўплами тақдим қилинган ва Ўзбекистон Республикаси МЖкТнинг 99-моддаси 7-қисми билан жавобгарликка тортилган. Аммо тегишли чора кўрилганидан кейин ҳам "RUS BEK" МЧЖ томонидан қурилиш-монтаж ишлари тўхтатилмаган ҳамда белгиланган тартибда инспекциядан рўйхатдан ўтиш учун тегишли ҳужжатлар расмийлаштирмасдан қурилиш-монтаж ишлари давом эттирилмоқда.

Шунингдек, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, "Яллама" МФЙ ҳудудида амалга оширилган мониторинглар жараёнида "EUROAZIA TRANSPORTION AND LOGISTIK COMPANIY" МЧЖ ҚК томонидан тегишли шаҳарсозлик ҳужжатларини расмийлаштирмасдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 370-сонли ҳамда ушбу қарорга қўшимчалар киритиш юзасидан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 ноябрдаги 961-сонли қарорлари талабини бузиб, ҳудудий Инспекцияни хабардор қилмасдан, божхона терминалининг қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётгани аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон, 2019 йил 15 мартдаги ПФ-5690-сон Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2018 йил 6 сентябрдаги Б-55-сон буйруғида (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2018 йил 7 сентябрда 3067-сон билан рўйхатдан ўтган) белгиланган тартибларга асосан 2020 йил 7 майда молиялаштириш манбаларидан қатъий назар қурилиш объектларига, субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда ҳеч қандай тўсиқсиз кириш ҳамда рухсат ҳужжатлари мавжудлиги ва шаҳарсозлик меъёрлари ҳамда қоидаларига риоя қилиниши юзасидан қисқа муддатли текшириш олиб борилиб, текширув жараёнида аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича "EUROAZIA TRANSPORTION AND LOGISTIK COMPANIY" МЧЖ ҚК фаолиятига оид инспекциянинг 2020 йил 18 декабрдаги



761-сонли буйруғи асосида 1 кунлик текшириш ўтказилган. Қисқа муддатли текшириш натижасига кўра, ҳуқуқбузарликка йўл қўйган масъул шахсга нисбатан маъмурий баённома тузилиб, ҳуқуқбузардан тушунтириш хати ва тилхат олиниб, қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўриш юзасидан Жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ тумани судига ҳужжатлар тўплами тақдим қилинган ва Ўзбекистон Республикаси МЖкТнинг 99-моддаси 7-қисми билан жавобгарликка тортилган.

Тегишли чора кўрилганидан кейин ҳам "EUROAZIA TRANSPORTION AND LOGISTIK COMPANIY" МЧЖ ҚК томонидан қурилиш-монтаж ишлари тўхтатилмаган ҳамда белгиланган тартибда инспекциядан рўйхатдан ўтиш учун тегишли ҳужжатлар расмийлаштирмасдан, қурилиш-монтаж ишлари давом эттирилмоқда.

Ҳудудларда рухсат берувчи тусдаги шаҳарсозлик ҳужжатларисиз қурилаётган объектларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 370-сонли қарорининг 5-иловасига мувофиқ рўйхатдан ўтказиш қурилиш объектларида назорат тизимининг тўғри йўлга қўйилиши долзарблигини кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Қурилиш вазирлиги ҳамда ҳududдаги қурилиш соҳасида назорат инспекциялари томонидан ҳамиша ноқонуний ва сифатсиз қурилмалар барпо этаётган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилган, аммо текширувдан ўтказилган корхоналар бундан ўзига керакли хулоса чиқармай, масъулиятни ҳам унутиб, талабга жавоб бермайдиган биноларни қуришда давом этишмоқда. Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси билан ҳамкорликда ҳудудларда ана шу каби ноқонуний иш юритилаётгани тўғрисида газетамизнинг келгуси сонларида тўлиқ маълумот берамиз. Ўйлаймизки, чиқишларимиздан кейин ушбу мақоламизда қайд этилган камчиликларга йўл қўйиб, бошқаларнинг хавфсизлиги ҳақида унутаётганлар ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишади.

**Қурилиш вазирлиги**
**Матбуот хизмати.**

# Гаров таъминотини баҳолашга ЯНГИЧА ЁНДОШУВ

**Зарифа ТАЙЛАҚОВА,**
ТАҚИ магистранти.

**Мамлакатимизда банк кредитлари бўйича гаров таъминотини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш, маъмурий ёндашувларга барҳам бериш ва бу орқали баҳолаш ташкилотлари ўртасида рақобатни кучайтириш устувор масала саналади.**



“Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш йўллари” мавзусидаги илмий-тадқиқот худди шу мавзуда. Мазкур изланишда гаров таъминотини баҳолашга алоҳида тўхталиб ўтилган бўлиб, бунда кредит таъминоти сифатида олинган мол-мулкни зарур ҳолларда сотиш, гаровни баҳолашда юқори малакали ва тажрибали мутахассисларни жалб этиш хусусида сўз боради. Шунингдек, банк кредитлари таъминотини баҳолаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар ҳам таҳлил этилган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида баҳолашнинг назарий асослари ўрганилиб, бу орқали унинг иқтисодий моҳияти очиб берилди. Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашнинг харажат, даромад ва қиёсий ёндашувлари таҳлил қилинган. Ҳозирда мамлакатимизда технологик ускуналар сотиб олиш учун хорижий валютада ажратилаётган кредитлар бўйича гаров таъминоти сифатида экспорт операциялари ва шартномаларни ҳисобга олиш тартиби ишлаб чиқилган. Шунингдек, тадқиқотда банк кредитлари бўйича транспорт воситалари, машина ва ускуналар гаров сифатида қабул қилинганда, амортизация муддатини назарда тутиш орқали гаров рискини камайтириш йўллари белгилаб берилган.

Банк кредитлари бўйича гаров рискини пасайтириш мақсадида, юқори ликвидли активларни диверсификациялашнинг асосий йўналишлари сифатида тадқиқотнинг бош мақсад ва фаразлари мавжуд. Бу жараёнда банк кредитлари гарови бўйича баҳолашда йўл қўйиладиган миқдорларни аниқлашга асосий масала сифатида эътибор қаратилади. Хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, банк кредитлари бўйича қўйилган кўчмас ва кўчар мулкларни баҳолаш тартиби бошқа хўжалик субъектларининг буюртмалари учун амалга ошириладиган баҳолаш жараёнидан деярли фарқ қилмайди. Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш босқичлари тавсия қилинади. Бунда банкнинг ваколатли ходими иштироки жуда муҳим ҳисобланади. Чунки, кредитнинг тўлови билан боғлиқ муаммо вужудга келганда, гаров ҳисобидан ушбу рискни бартараф этиш керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур илмий иш орқали банкларнинг кредит таъминотини баҳолашда маъмурий ёндашувларга барҳам бериш, ташкилотлар ўртасида ўзаро рақобатни кучайтириш ва гаров таъминотини ҳаққоний баҳолашдан иборат.

# Шукроналик ҳисси

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Самарқанддаги Кимёгарлар қўрғони аҳолиси, айниқса, хотин-қизлари яқингача турмуш ташвишлари-ю, рўзғор юмушларидан ортмасди. Газ, электр муаммоси, иссиқ сув тугул совуқ сувнинг вақтида берилмаслиги, чиқинди ташиш билан ўралашиб, куннинг қандай ўтганини билмай қолишарди. Хайрият, улар дардини тинглайдиганлар бор экан. Вилоят ҳокими бош-қош бўлиб зимистон, диққинафас, кўримсиз ҳолга келган маконни ободонлаштириш, кишилар баҳра оладиган гўшага айлантиришга бел боғлади.**

Энди бу ерда истиқомат қиладиганлар амалга оширилган кенг кўламдаги бунёдкорликларнинг нашидасини суряпти. Халқ қурувчилар ғайрат-шижоати ҳақида тўлиб-тошиб гапиришдан чарчамайди. Чунки маҳаллалар сўлим ва кўркам қиёфа касб этиб, чирой очган. Кўп қаватли уйлар, хонадонлар, кўча ва хиёбонлар обдон таъмирланиб, намунали ҳолатга келтирилди. Бундай улкан ўзгаришлар одамлар кўнглига кўчгани, айниқса эътиборга сазовор.

– Ҳозир оқшом тушиши билан сайрга чиқамиз, – дея гап бошлади Чорбоғ маҳалласи фаоли, 70 ёшни қаршилаган онахон Мамлакат Мажидова. – Ёруғ, чароғон ва равон йўлаклардан, бир-биридан мафтункор уйлар, савдо, маданий-маиший бинолар, спорт мажмуалари бўйлаб кезишдан зерикмаймиз. Бунинг учун Президентимиздан миннатдормиз.

– Мамлакат Нормуродовна пенсияга чиққунга қадар халқ таълими тизимида ишлаб, катта тажриба орттирган эмасми, мудом янгиликлардан гапиради, – дейди қўшниси Любовь Николаевна. – Яхши фазилатлар, ибратомуз панд-насиҳатлари билан ёшларни Ватанни севишга, китобга меҳр қўйишга ундашини жуда қадрлайман.

Дарвоқе, Мамлакат опа Самарқанд давлат университетининг тарих факультетида таҳсил олган. Илк меҳнат фаолиятини Самарқанд туманидаги 1-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаб, кейинчалик 61-мактаб-интернатда давом эттирди. Тажрибали мутахассис қадрдон даргоҳда 30 йилдан зиёд ишлаб, кўплаб ёшларга таълим берди.

– Юртимизда амалга оширилаётган фаровонлик ишларидан жуда мамнун бўляпмиз. Йигит-қизларнинг таълим-тарбиясига берилаётган эътибор, кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган иззат-икром, ғамхўрликнинг чеки йўқ. Ахир, илм-фан, маориф ва маданият соҳалари ривожи тезлиги, ишлаб чиқариш, қурилишдаги илдам одимлар ҳар қандай кишини олға ундайди, – дейди у.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## Тошкент вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бўйича “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси

қуйидаги объектлар бўйича

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объектлар номи | Бошланғич қиймати (сўм, ҚҚС билан) | Қурилишни тугаллаш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент вилояти Тошкент тумани ИИБнинг 35 ўринли вақтинча сақлаш ҳибсхонаси реконструкцияси (2-этап) | 1 546 147 855 | 60 кун |
| 2. | Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ГМО реконструкцияси (45 ўринли юқумли касалликлар бўлими) 1-этап | 8 973 808 146 | 130 кун |

**Буюртмачи:** Тошкент вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бўйича “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, “Бектемир” МФЙ, Яшил водий кўчаси, 45-уй.

**Молиялаштириш манбаи:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, етарли касбий ва техникавий малакали мутахассисларга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси – Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари мумкин:** Тошкент шаҳри, А. Навоий кўчаси, 18-уй.

**Телефон (факс):** 71-241-15-26, 71-241-15-37.

**Электрон манзил:** toshkonsaltingtorg@bk.ru

Иштирокчилар тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича www.xarid.uz махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

**Таклиф, (оферта) очилиши www.xarid.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги биносида.

## ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

## “Ko‘chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ

очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

**“Ko‘chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этилган очиқ танлов савдоларига “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2021 йил 18 февралдаги 39-сонли буюртманомасига асосан “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо шохобчаларини ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:**

1. 1 дона савдо шохобчасининг майдони 9,6 м². **Савдо шохобчасининг бир м² учун бошланғич баҳоси** – 12 120 000 сўм, **жами бошланғич баҳоси** – 116 352 000 сўм.

2. 1 дона савдо шохобчасининг умумий майдони 9,7 м². **Савдо шохобчасининг бир м² учун бошланғич баҳоси** – 12 120 000 сўм, **жами бошланғич баҳоси** – 117 564 000 сўм.

3. 1 дона савдо шохобчасининг умумий майдони 14,3 м². **Савдо шохобчасининг бир м² учун бошланғич баҳоси** – 12 120 000 сўм, **жами бошланғич баҳоси** – 173 316 000 сўм.

4. 1 дона савдо шохобчасининг умумий майдони 11,7 м². **Савдо шохобчасининг бир м² учун бошланғич баҳоси** – 12 120 000 сўм, **жами бошланғич баҳоси** – 141 804 000 сўм.

5. 1 дона савдо шохобчасининг умумий майдони 6,6 м². **Савдо шохобчасининг бир м² учун бошланғич баҳоси** – 12 120 000 сўм, **жами бошланғич баҳоси** – 9 992 000 сўм.

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Талабгорларнинг таклифлари 2021 йил 25 март куни соат 11.00 дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади. Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати 2021 йил 22 март куни соат 18.00 да тўхтатилади.

**Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги хужжатларни тақдим этади:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

– **жисмоний шахслар** – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида “Ko‘chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт: 2260 4000 2049 2060 9001 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 207 122 519.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Тўртариқ кўчаси, 11/2-уй.

**Тел.:** 95-199-12-21, 95-195-12-21.

**E-mail:** ko‘chmasmulk@mail.ru

**Расмий веб-сайт:** www.kmsx.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0001-сонли лицензия.*

## “Насаф риэлт сервис” МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

**2021 йил 29 март куни соат 10.00 дан бошлаб Қарши шаҳар Амир Темур кўчаси, 74-уйда жойлашган “Насаф риэлт сервис” МЧЖ биносида бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қайтадан қўйилмоқда:**

1. “Микрокредитбанк” АТБ Янги-Нишон филиалига қарашли Нишон тумани, “Юксалиш” МФЙ, Тинчлик қишлоғида жойлашган, **умумий фойдали майдони** – 474,63 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 318,51 квадрат метр бўлган маъмурий бино. **Бошланғич баҳоси** – 548 139 737 сўм.

2. “Микрокредитбанк” АТБ Муборак филиалига қарашли Муборак тумани, “Тонг” МФЙ, 4-митти туманда жойлашган, **умумий майдони** – 2 000,73 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 548 квадрат метр бўлган “Муборак” филиали биноси. **Бошланғич баҳоси** – **1 671 845 670 сўм.**

Аукцион савдосида қатнашиш учун буюртманомалар эълон чиққан санадан бошлаб, 2021 йил 26 март кунигача (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача “Насаф риэлт сервис” МЧЖ биносида қабул қилинади.

Савдо ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 3 (уч) календарь кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва 30 (ўттиз) календарь кун ичида тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган жисмоний ва ҳуқуқий шахслар закалат келишуви тузилганидан кейин, бошланғич баҳонинг 5 фоизи миқдорида закалат пулини “Насаф риэлт сервис” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 3003 8650 9001 АИКБ “Ипак йўли” Қарши филиали МФО 01119 СТИР 303 037 805.

**Шу билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:**

– закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат;

– **Ўзбекистон Республикаси фуқаролари** – фуқаролик паспорти, СТИР нусхаси;

– **юридик шахслар** – устав ва гувоҳнома нусхалари.

Ушбу кунда белгиланган аукцион савдоси ўтмай қолган тақдирда такрорий савдолар 2021 йилнинг 31 август кунигача ҳафтанинг ҳар душанба кунлари ўтказилади. Такрорий савдоларга буюртманомалар савдогача ҳар ҳафта жума кунигача, соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

**Мурожаат учун манзил:** Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси, 74-уй.

**Телефон:** 94-333-60-99.

**Электрон почта:** Shuhrat682009@mail.ru

**Веб-сайт:** nasaf-nedvijimost.zn.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR -0204-сонли лицензия.*

## Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

## “KO‘CHMAS MULK XIZMATLARINI KO’RSATISH JAMIYATI” МЧЖ Навоий вилояти филиали

очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**Дастлабки савдога “Навоий Дори-дармон” АЖ балансида бўлган ва сотиш учун рухсат этилган қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:**

1. Навоий шаҳар И. Каримов кўчаси, 50-“А” уйда жойлашган 1-сонли (собиқ 40-сонли) дорихона биноси. **Умумий ер майдони** – 766,51 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 502,82 квадрат метр. Баҳоланган объект 2 қаватли бинонинг 2-қаватида жойлашгани инобатга олиниб, умумий ер майдони 263,69 квадрат метр қилиб белгиланган. **Савдога чиқарилган бошланғич баҳоси** – 3 000 000 000 (уч миллиард) сўм.

2. “Навоий Дори-дармон” АЖ ҳудудидаги “Е” литерли, “Ж” литерли омборхона ва ёрдамчи бинолар. **Умумий ер майдони** – 1 355 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 247,4 квадрат метр. **Савдога чиқариладиган бошланғич баҳоси** – 559 691 000 (беш юз эллик тўққиз миллион олти юз тўқсон бир минг) сўм.

3. Кармана тумани, Маликработ қўрғони, Дўстлик маҳалласида жойлашган Маликработ дорихона биноси. **Умумий ер майдони** – 204 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 74,97 квадрат метр. **Савдога чиқариладиган бошланғич баҳоси** – 143 217 000 (бир юз қирқ уч миллион икки юз ўн етти минг) сўм.

4. Навоий вилояти, Конимех тумани, Абай кўчаси, 14-уйда жойлашган 4-сонли дорихона биноси. **Умумий ер майдони** – 1 441 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 456,32 квадрат метр. **Савдога чиқариладиган бошланғич баҳоси** – 1 462 905 000 (бир миллиард тўрт юз олтмиш икки миллион тўққиз юз беш минг) сўм.

5. Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, Ўзбекистон кўчаси, 3-уйда жойлашган 9-сонли дорихона биноси. **Умумий ер майдони** – 1 228 квадрат метр ва “А” литердаги 9-сонли марказий дорихона биноси. **Қурилиш ости майдони** – 249,34 квадрат метр (ташқи баландлиги 9,65 метр) ни ташкил қилади. **Савдога чиқариладиган бошланғич баҳоси** – 1 076 094 000 (бир миллиард етмиш олти миллион тўқсон тўрт минг) сўмдан иборат.

Аукцион савдоси 2021 йил 26 март куни соат 11.00 дан бошлаб “KO‘CHMAS MULK XIZMATLARINI KO‘RSATISH JAMIYATI” МЧЖ Навоий вилояти филиали мажлислари залида ўтказилади.

Буюртмаларни қабул қилиш мазкур хабарнома эълон қилинган санадан бошлаб расмий иш кунлари 09.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати** – 2021 йил 25 март куни соат 18.00 гача.

Қайд этилган мол-мулклар 2021 йил 26 март куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2021 йилнинг 9 ва 23 апрель, 7, 21, 28 май, 4,11, 18, 25 июнь, 2, 9, 16, 23, 30 июль кунлари соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Навбатдаги савдо учун буюртмалар қабул қилишнинг охирги муддати савдо кунларидан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдога қўйилган мол-мулклар бўйича бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мол-мулкларга бўлган ҳуқуқларнинг бошланғич баҳосини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охирги кунгача қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2020 8000 1053 3172 3005 АТИБ “Ипотека-банк” Навоий филиали МФО 00205 СТИР 308 112 732.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 10 кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартлари юклатилади.

**Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил:** Навоий шаҳар И. Каримов шоҳкўчасида 98-уй ёнида жойлашган.

**Тел.:** 99-360-11-00, 99-758-45-35.

**Савдоларга марҳамат қилинг!**

## “Чироқчи пахта тозалаш” АЖ

акциядорлари диққатига!

**“Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2021 йил 13 март куни ўтказилади. Навбатдан ташқари умумий йиғилиш соат 10.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Мустақиллик кўчаси, 153-уйда жойлашган “Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.**

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 9.00 бошланади.

**Жамиятнинг расмий веб-сайти:** www.Chiroqchipaxta.uz

**Кун тартибидаги масалалар:**

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Аудиторлик ташкилотининг хулосаларини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2019 йил йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг ўтган йиллар ва 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
6. Жамият кузатув кенгашини қайта сайлаш.
7. Чироқчи пахта тозалаш АЖ нинг “Барака пахта текс” МЧЖ устав капиталидаги улушини сотиш.

**Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана** – навбатдан ташқари умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2021 йил 19 февраль ҳолатига ва акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2021 йил 9 март ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

**Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:** Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Мустақиллик кўчаси, 153-уй.

**E-mail:** Chiroqchi-pt@umail.uz

**Тел.:** 75-562-19-93.

Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададкор

# Бекободда шундай ишбилармон бор

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Маҳалла гузарида ўн нафарга яқин қариялар ёшлиги ўтган даврлардан суҳбатлашишарди. Ҳар галги гурунг ана шу мавзуда бўлгани учун Рўзиқул отанинг ғаши келиб, тенгдошларини чалғитиш мақсадида: “Бир гапни ҳар гал сақичдай чайнавериш жонларингга тегмадими? У давр ўтди-кетди, энди замон ўзгарган, сенлар эса ҳалигача ўзгармасдан уйқудасизлар, яхшиси, юринглар, бир жойни кўрсатиб келай, балки шунда ён-атрофга бугунги кун билан қарарсизлар” дея таклиф киритади.**

– Қайси гапимиз сизга ёққандики, буниси ёқса! Қачон қараманг, суҳбатдан нуқсон топиб турасиз. Майли борсак-бораверамиз, ўзи шундоқ ҳам бир жойда ўтириш жон азоби бўлиб турибди. Борадиган жойимиз олис эмасми? Чарчоқ босиб, сўнг ёстиқни қучоқлаб қолмасак бўлгани, – деб ўтирган ўрнидан қўзғалди Мирсоҳиб бобо. Бошқалари ҳам бирин-кетин унга эргашишди.

– Узоққа бормаймиз, у жойни ўзларингиз ҳам яхши биласизлар. Ёдингизда бўлса, давлатимиз раҳбари икки йил аввал Бекобод шаҳрига келганида шаҳарга кираверишдаги янтоқ босиб ётган жойни “Мустақилликнинг 29 йиллиги” ҳудудига айлантириб, бу ерда аҳоли учун турар жойлар, спорт майдончалари қуриш юзасидан раҳбарларга топшириқ берганди. Юрт раҳбари бир қарашда бу жойдаги аҳволни англаса-ю, биз эса шу ерда яшаб, бепарво юрсак, бунинг исноди кимнинг зиммасида бўлади? Ҳеч бўлмаса бориб кўрайлик-чи, қандай ўзгаришлар қилинибди, – деб йўл бошлади Рўзиқул ота.

Манзилга етиб келишгач, нуронийлар ҳайратдан лол қолишди. Йиллар давомида янтоқ босиб, чиқиндихонага айланган жой таниб бўлмас даражада ўзгариб, унинг ўрнида қад ростлаган кўп қаватли уйларнинг маҳобати ҳар қандай кишини сеҳрлаб қўярди.

– Ё қудратингдан, икки йил оралиғида бунча иморатларни кимлар қурди ва қачон бунга улгуришди экан-а, – деярди ҳаяжонини яширолмаган Нурбек бобо.

– Ҳали эшитмагандингизми, ростдан ҳам чойхонадан четга чиқмай қолибсиз биродар, уни ўзимизнинг маҳалламизда яшовчи Шавкатжон исмли юрист бўлардику, ўша қураётганини эшитгандим, мана буни янгилик деса бўлади, сизлар эса ўзларингизнинг ўтмишингиздан нарига ўтмасдан, пешонангиз остида бўлаётган ўзгаришлардан бехабарсиз, –деди Рўзиқул бобо.

Қариялар ҳудудни айланиб чиққандан сўнг, шундай дориломон кунларни кўриш насиб қилганига шукроналар айтиб, бунёдкорларни дуо қилишди...

Мазкур ҳудуддаги бунёдкорлик ишларида қариялар эътироф этганидек, бошқалар қатори тадбиркор Шавкатжон Абдурасуловнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Қурилиш соҳасида дастлабки иш бошлаган кезлари эди. Асосий касби ҳуқуқшунос бўлгани учун, “Қоғоз-қаламини тебратаверса бўлмасмикин, қурилиш соҳасида ишлашни унга ким қўйибди”, дегувчилар кўп бўлди. Бироқ Шавкатжон оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрадиган тоифалардан эмасди. “Диёрбек прогресс инвест” МЧЖни тузгач, атрофдагилар айтганидек, дастлабки қадам осон кечгани йўқ. Маблағ масаласи, тендерларда қатнашиш, ишчиларни жамлаш, буларнинг барчаси сабр-тоқат ва ишнинг кўзини билишни тақозо этарди. Қишлоқда яшаб, меҳнатда суяги қотган ишбилармон бу жараёнда эсанкирамади, аксинча, қонунларни мукаммал билгани фаолиятида асқотди.

Вақтинчалик ишсиз қолиб, ўзга юртларга чиқиб кетаётган ёшларни қаноти остига олгач, биринчи ишни шаҳардаги 11-сонли мактаб филиалини қуришдан бошлади. Лойиҳачиларнинг талаблари доирасида ҳар томонлама мукаммал бинони қуриб битказаркан, қурилиш материалларига эҳтиёж катта бўлиши баробарида, агар уларни ўзлари шу жойда тайёрласа, таннарх янада арзонлашишига ишонч ҳосил қилди. Шундан сўнг, жамият таркибини кенгайтириб, қум ва шағални ювиш, бетон плиталар тайёрлаш, замонавий эшик-ромларни ишлаб чиқариш цехларини қуриб, тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатига эътиборни кучайтирди.

Маҳсулот яхши, ишлар сифатли қилинса, талаб ҳам, буюртма ҳам шунга лойиқ бўлавераркан. Кўп ўтмасдан жамоанинг меҳнати кўзга ташланди, эшик ва ромлар, бетон плиталарга харидорлар орта бошлади. Ишловчиларнинг иш сифатини кўрган шаҳар ХТБ раҳбарияти Янги ҳаёт маҳалласида 360 ўринли янги мактаб қурилишига буюртма берди. Жамоа бу объектни қуришда етмиш фоиз ўзлари ишлаб чиқараётган материаллардан фойдалангани ортиқча харажатларни камайтириш, иш сифатини ошириш ва соф даромаднинг ортишига шароит яратди. Ишбилармон ана шу даромаднинг бир қисмини янги ишчи ўринларни яратишга, аҳолига маиший хизмат кўрсатишга, яна бир қисмини эса ишловчиларнинг маошини 1 500 000 сўмдан 4 000 000 сўмгача оширишга йўналтирди.

Тадбиркорнинг “Мустақилликнинг 29 йиллиги” объектида иш бошлаши ҳам ана шу омиллар сабаб бўлган. Бу жойдаги кўп қаватли уйларни қуришга киришганлар зиммаларидаги вазифани эплолмагани учун ишлар бир муддат тўхтаб қолади. Шунда у ташаббус билан чиққач, тегишли ташкилотлар унинг имкониятларини ўрганиб, қўллаб-қувватлашади. Меҳнат жамоаси панд бермади. Айни пайтда уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли иккита етти қаватли турар жой бинолари бунёд этилиб, шу кунларда ички пардозлаш ишлари жадал боряпти. Бунёдкорларнинг эътирофича, яна уч ойдан сўнг уй эгалари кўчиб киришади.

Жамият қурувчилари бу билан чекланганлари йўқ. Шаҳар марказида ўтган йили учта етти қаватли турар жой биноси қурилишини бошлаб қўйишганди. Бу ерда ҳам бунёдкорлик ишлари қизғин паллага кирган, йил охирига бориб улар ҳам ўз эгаларига топширилиши режага киритилган. Ана шу режалар муддатида уддаланса, бу билан жамоа бешинчи объектни охирига етказишган бўлишади. Ўтган йили ҳам Бекобод тумани маркази – Зафарда иккита беш қаватли уй-жойларни сифатли қилиб қуришганди.

“Диёрбек прогресс инвест” МЧЖ фаолияти ҳақида кўп ва хўп ёзиш мумкин. Бироқ гап ёзишда эмас, балки ҳукуматимиз яратиб бераётган шароитлардан тўғри фойдаланиб, ўзига ва бошқаларга наф келтиришдадир. Жамиятда ишлар тўғри ташкиллаштирилаётгани йилдан йилга иқтисодий бақувватлашишга имкон яратяпти.

Масалан, икки йил аввал умумий даромад 9 млрд сўм, харажатлардан ташқари соф даромад 1 млрд сўмни ташкил қилган. Ўз ўрнига эга мазкур корхона учун бу кўрсаткич, денгиздан томчи мисоли. Шу боис жамоа қурилишда сифат ва тежамкорликка алоҳида эътибор қаратган. Якунланган йилда қурилишбоп материалларнинг асосий қисми ўзларида ишлаб чиқарилаётгани ҳисобига қурилаётган объектларнинг таннархи бир неча баробарга арзонлашиб, харажатлар кескин камайди. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, бу йил аввалги йилларга нисбатан соф даромад икки ҳиссага кўпайиши кутилмоқда. Бу – корхона фаолияти янада кенгаяди, янги ишчи ўринлари яратилади, деганидир.

Жамият раҳбарининг айтишича, айни пайтда корхонада 300 нафардан ортиқ ёшлар меҳнат қилмоқда. “Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададкор!” шиорига амал қилиб, уч томонлама шартнома асосида ёшлар ишга қабул қилиняпти. Шартномага кўра, иш берувчи ишловчини қайта ихтисосликка ўқитади ва унга сарфланадиган харажатларни қоплайди. Шу кунгача 50 нафар ёшлар қурилиш соҳасидаги ихтисосликларга ўқитилди. Ишловчиларги маошидан ташқари икки маҳал иссиқ овқат ташкиллаштирилган. Зарурмандларга моддий ёрдам кўрсатилиб, меҳнат таътили даврида корхона ҳисобидан санаторийларга йўлланмалар олиб бериляпти. Юртимизда мана шундай тадбиркорларнинг кўпаяётгани эса бошланган ислоҳотларнинг бардавомлигидан далолатдир.

# Темирйўл лойиҳачилари устози

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Азалдан йўл ва кўприклар қуриб, халқнинг узоғини яқин қилган инсонларга ҳамма раҳмат айтган. Ўзбекистон темир йўлларининг қурилишида самарали меҳнат қилиб келаётган Холмурод Исмоилов ҳам шу соҳа фидойиларидан бири. Умрининг 60 йилдан ортиғи республикамиз пўлат изларининг сифатли барпо этилишига сарфланган.**



– Инсоннинг бирор касбга қизиқишига кимдир сабабчи бўлади. Темир йўл тизимига кириб келишимга отам сабабчи бўлган, – дея болалигини хотирлайди Холмурод ота. – Ўша йиллари кўпчилик орасида обрў қозонган Наби Раҳимовдан иш ўргандим. Соҳа мутахассислари – Нуриддин Рустамбеков, Гринцов, Морозовлар устозлик қилишди.

1964 йил техникумда ўқиб юрган кезлари у кишини “Салар” темирйўл масофасига амалиёт ўташ учун юборишади. Тиришқоқлиги ва меҳнатсеварлигини кўрган раҳбарлар йўл созловчи лавозимига ишга қабул қилишади. Ўша йилларда у дастлаб ҳозирги Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига ўқишга киради. Орадан бир йил ўтиб, ўқишини Тошкент темирйўл муҳандислари институтига кўчиради. Мазкур олий таълим даргоҳини тамомлагач, “Тоштемирйўллойиҳа” МЧЖда техник ходим сифатида фаолиятини давом эттиради.

Холмурод Исмоилов меҳнат фаолияти давомида Қизилқум чўлларида “Навоий-Учқудуқ-Султон Увайс тоғи-Нукус” темир йўл линиясининг қурилиши, Амударё орқали темир йўл-автомобиль қўшма кўпригининг, шунингдек, мураккаб тоғ шароитида “Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон” темир йўлининг барпо этилиши, “Тўқимачи-Ангрен” темир йўл линиясининг электрлаштирилиши, “Янгиер-Жиззах” ва “Янгиер-Фарҳод” темир йўлини бунёд этиш жараёнларида фаол иштирок этди.

Ўз касбининг фидойиси оиласи, маҳалласи, қўйингки, юртдошларига меҳри қанчалар чексиз бўлса, касбига бўлган муҳабббати ундан-да зиёда. Пўлат изларнинг мукаммал қурилиши ва кўп йиллар давомида халқимизга хизмат қилиши учун отахон бор билим ва тажрибасини ишга солган. Кези келганда туну кун меҳнат қилиб, ҳаловати ва манфаатидан кечиб, йўл қурувчилик касбининг масъулиятини дилдан ҳис қилмоқда. Шу сабаб ҳам отахон доимо касбдошлари ва шогирдлари ардоғида.

Йўл қурган қолар савобга, деганларидек, халқнинг розилигини олган Холмурод ота “Фахрий темирйўлчи” унвонига сазовор бўлган. “Меҳнат шуҳрати” ордени, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими”, 1-даражали “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонлари унинг хизматларига берилган юксак баҳодир.

Ҳозирги кунда тажрибали отахон “Тоштемирйўллойиҳа” МЧЖ бошқармасида ёш мутахассисларга касбий ва ҳаётий тажрибасини ўргатиб келмоқда. Унинг маслаҳатлари асосида иш кўраётган ёшлар бугун темир йўлларнинг мукаммал ва сифатли барпо этилишида фаол иштирок этишяпти.

– Касбим орқали ҳаётда кўп нарсага эришдим. Бунда доимо мени қўллаб-қувватлаган турмуш ўртоғимнинг ҳиссаси катта, – дейди у.

Фарзанд тарбиясида талабчан, қаттиққўл ва шу билан бирга, меҳрибон Холмурод ота турмуш ўртоғи Маҳбуба опа билан 2 қиз ва 1 ўғилни тарбиялаб вояга етказишди. Бугун бу фарзандлар жамиятнинг турли жабҳаларида эл-юрт хизматини сидқидилдан адо этиб, ота-онасига раҳмат келтираётган ўғил-қизлар бўлиб улғайган.

Ўзининг қутлуғ ёшини нишонлаётган Холмурод ака ҳамон дадил, шогирдларини муносиб тарбиялаш йўлида фидойилик кўрсатиб, кўпларга ўрнак бўляпти.

# Фарғонада маҳаллабай давлат хизматлари кўрсатилмоқда






**Суратларда:** Ўзбекистон тумани ва Фарғона шаҳрида аҳолига давлат хизматлари кўрсатилмоқда.
**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

1-бет

Туманнинг “Қайнар” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам аҳолига СТИР, наркология диспансерида рўйхатда туриш ёки турмаслиги, судланмаганлик ҳақидаги маълумотномаларни олиб бериш, кадастр ҳужжатларини тайёрлаш, коммунал хизматлар ҳамда МТТ ларга фарзандни навбатга қўйиш каби 20 дан ортиқ масалаларда мобиль хизматлар кўрсатилди.

Сайёр хизматлар давомида аҳоли ўртасида хизматларни давлат хизматлари марказларига келмасдан, Ягона интерактив портал орқали электрон тарзда олиш тарғиб қилинди.

Маълумки, ўтган йилнинг апрель ойидан ФҲДЁ бўлимлари ҳам Давлат хизматлари агентлиги таркибига ўтказилди. Бу вақт мобайнида тизимда янгиликлар амалиётга жорий қилинди. Хусусан, ФҲДЁ органларида болага туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олиш бепул бўлди. Ана шу бепул хизмат билан биргаликда чақалоқни хонадон рўйхатига киритиш, Мактабгача таълим ташкилотига навбатга қўйиш каби бирданига 4 та композит хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилди. Бундан ташқари, болага бериладиган туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларда авваллари тартиб серия рақами ишлатилган бўлса, айни вақтда ана шу рақамлар ўрнига махсус идентификацион рақам, яъни ID кодлар жорий қилинди. Бу эса бола ҳақида маълумотлар бутун умри мобайнида базада сақланиши кафолатлайди. ФҲДЁ архив ҳужжатлари тўлиқ рақамлаштирилганлиги боис, гувоҳномага боланинг ота-онаси ҳақидаги маълумотларни киритиш шарт эмас. Ягона архив ҳужжатлари базасидан гувоҳномага тўғридан тўғри унинг яқинлари ҳақидаги маълумотлар автоматик тарзда туширилади.

Тизимдаги шу каби янгиликлар ҳақида ДХМ ҳамда ФҲДЁ бўлими вакиллари фуқароларга кенг тушунчалар берди.

Боғи эрам кўчасида истиқомат қилувчи Исроилжон Мирзараҳматов турмуш ўртоғи Мафтуна Алижонова билан расмий никоҳи қайд этилмаганлиги боис 4 ойлик чақалоғига туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ололмаётган эди. Маҳаллабай ўрганишлар давомида уларнинг никоҳи расман қайд этилиб, оиланинг янги меҳмонига туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома тақдим этилди.

– Илгарилари ҳам ФҲДЁ бўлимларига кўп ишимиз тушган. Лекин ортиқча оворагарчиликлар, ҳужжатбозликлар одамни силласини қуритар эди, – дейди Мавлуда Сирожиддинова. – Хонадонимизга ташриф буюрган ФҲДЁ ҳамда ДХМ ходимлари композит хизматлар, янги тартиб бўйича “суюнчи” пули олишнинг осонлашганлиги, янги намунадаги “метрика”лар ҳақида етарли тушунча ва ҳуқуқий маслаҳатлар беришди. Ишимиз осон ва қулай ечим топганидан хурсандман.

Туманда ташкил этилган сайёр хизматлар давомида маҳаллий аҳолига Давлат хизматлари маркази томонидан кўрсатилаётган хизматлар, улардан фойдаланиш тартиблари, яратилган қулайликлар ҳақида маълумотлар, шунингдек, электрон ҳукуматнинг афзалликлари, масофадан туриб давлат хизматларини олиш бўйича ҳам тушунчалар берилди.

Шунингдек, Фарғона шаҳар “Бешбола” маҳалла фуқаролари йиғинида Адлия бошқармаси ташаббуси, ДХА вилоят бошқармаси ҳамкорлигида “Ҳуқуқий ахборот куни” ташкил этилди. Мақсад, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, аҳолининг давлат хизматларидан онлайн фойдаланиш самарадорлигини янада оширишдан иборат.

# Дастур бўйича ишлар бошланди

**Марат УЛПЕТОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Чимбой туманида 2021 йили “Обод қишлоқ” дастурига мувофиқ “Қизил-ўзек” ОФЙда 15,3 млрд сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш режалаштирилган.**

Дастур асосида ҳудудда 12 километр оралиқдаги ичимлик сув тармоқларини тортиш, 72 километр электр тармоқларини модернизация қилиш, 8 та трансформатор қуриш ва таъмирлаш, 10,9 км узунликдаги ички автомобиль йўлларни таъмирлаш ҳамда 2,0 километр оралиққа тунги ёритгич ускуналарини ўрнатиш ишлари, 2,0 километр оралиққа пиёдалар йўлакчаларини қуриш, 6 та якка тартибдаги турар жойларнинг томларини таъмирлаш, 25 та турар жойларнинг фасад қисмини яхшилаш ҳамда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, ҳудудда 1 та савдо маркази, 1 та ҳаммом ҳамда 1 та спорт майдончасини қуриш ишлари режалаштириляпти.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги жамоаси Ишлар бошқармасининг хоналарга хизмат кўрсатувчи ходими

**Шоира ЮНУСОВА**нинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

## Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!

Февраль ойининг шу кунларида таваллуд айёмини нишонлаётган

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Андижон вилояти филиали директори **Ахрорбек Машрапов**,

Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси етакчи мутахассиси **Бахтиёр Набиев**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси девонхона иш юритувчиси **Замира Ибрагимова**,

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Қашқадарё вилояти филиали мутахассиси **Мохира Хазратқулова**,

Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармаси Архитектура-режалаштириш бюроси УК нусха кўчирувчиси **Нозима Мансурова**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси мутахассиси **Фирдавси Назаров**, Иштихон тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Аслиддин Мурадов**, Пайариқ тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Зойир Хайитов**,

Хоразм вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи мутахассиси Шахноза Рўзметова,

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Тошкент шаҳар филиали бош бухгалтери **Жавлон Занжиров**ларни чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, файз-барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Райҳон Таниқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия), 71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-243.
2660 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.
**Навбатчи** – Н. Хайруллаева.

ЎзА якуни – 00.52. Топширилди – 01.13.
1 2 3 4 5 6